

ШАФФОФ ТИЗИМ ВА СОҒЛОМ ИШ МУҲИТИ ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, “Ўзметкомбинат” АЖда Корпоратив хавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департаменти ҳамда Комплаенс хизмати бу борадаги ишларнинг барқарорлигини таъминлаш вазифасини бажармоқда.

Жумладан, Комплаенс хизмати томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари мавжуд бўлиб, ушбу алоқа каналлари орқали 2023-йил давомида 14 та мурожаат келиб тушган. Барча мурожаатлар тегишли таркибий бўлинмаларни жалб қилган ҳолда кўриб чиқилиб, мурожаат қилганларга ёзма ва оғзаки равишда жавоблар берилди. 2024-йилда эса манфаатлар тўкнашуви ва коррупция ҳолатлари бўйича 9 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларга ҳам белгиланган тартибда жавоблар бериб борилган.

Комбинат таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишчи-ҳодимлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган коррупция ва манфаатлар тўкнашуви ҳолатлари ҳақида хабар беришларини енгиллаштириш мақсадида Телеграм мессенжерида “УМК_Антисорбот” ишга туширилди.

Бундан ташқари, Корпоратив хавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департаменти масъул ходимлари томонидан 2024-йил 1-чораги давомида, комбинат ходимлари томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган маълумотлар асосида жами 93 та хизмат текширувлари ва ўрганишлар ўтказилган бўлиб, унинг натижасига кўра:

- 8 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган;
- 36 нафар ходимга нисбатан ҳайфсан эълон қилинган;
- 68 нафар ходим ўртача ойлик иш ҳақидан жаримага тортилган;
- 18 нафар ходимга огоҳлантириш эълон қилинган;
- шунингдек, 47 та иш материаллари комбинат ишчи-ҳодимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳуқуқий баҳо беришлик учун юборилган бўлиб, 4 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Ушбу қўзғатилган жиноий ишларнинг 3 та ҳолати комбинат мол-мулкани талон-тароҷ қилиш ва 1 таси ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолати бўйича қўзғатилган. Бугунги кунда “Ўзметкомбинат” АЖда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш орқали нафақат корхонада шаффоф тизим ва соғлом иш муҳити яратилмоқда, балки бу турли иллатлардан ҳоли соғлом фуқаролик жамиятининг шаклланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга Қарши Курашиш Агентлиги томонидан 2023-йил якуни асосида шакллантирилган “Очиқлик Индекси” рейтингда “Ўзметкомбинат” АЖ қизил тоифадан яшил тоифага ўтиши таъминланди, шунингдек, “Давлат идораларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаолияти самарадорлиги рейтингини”да комбинат биринчи марта иштирок этганлигига қарамаздан кўк, яъни қониқарли тоифадан ўрин эгаллашига эришилди.

Сарвиноз ШЕРАЛИЕВА, “Ўзметкомбинат”
АЖнинг Матбуот хизмати бошлиғи.